


СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН 5000 МИНГ ҚАДАМ



Қумқўрғон туманида эрта тонгда “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам ” марафони бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Р. Гаппаров, сектор раҳбарлари, ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари, МФЙ раислари, нуроний отахон ва онахонлар, ёшлар фаол қатнашдилар.

Марафон иштирокчилари "Алпомиш" спорт мажмуасида белгиланган масофани пиёда босиб ўтди. Шунингдек, тадбирда эрталабки бадантарбия машғулоти ҳам бажарилди.

Бу каби тдбирлар туманда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш борасидаги ишларнинг амалий ифодасидир.